

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 11-IYUL, PAYSHANBA, 84 (8165)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Куннинг муҳим воқеалари

► Термиз шаҳридаги “Бойсун Бизнес Сервис” хусусий корхонасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди. Бу ерда арзон, сифатли пишиқ гишт, йўлакча плиткалари ва қурилиш шпатлевкаси ишлаб чиқарилмоқда. Корхонани барпо этиш ва замонавий хориж технологияси асосида жиҳозлаш учун 300 миллион сўм маблағ ва 50 минг доллар миқдоридан банк кредити сарфланиб, 57 янги иш ўрни яратилди. Ишчиларнинг 12 нафари касб-хунар коллежини битирган ёш мутахассислардир.

► Наманган вилояти Чортоқ тумани Гулшан қишлоғида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ягона юлдуз текстиль” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги корхонада 150 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг 36 нафари – касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

► Жиззаҳда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳужалиги масалалари ва экология кўмитаси ташаббуси билан қишлоқ ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришда ёш мутахассислар салоҳиятидан фойдаланиш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш истиқболлари, хунармандчилик турларига ўргатиш, чекка ҳудудларда “устоз-шогирд” мактабларини ташкил этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.



СПОРТГА МЕҲР ҚЎЙИБ...

Наманганлик ака-укалар — Шоҳназар ва Шоҳжаҳон Назаралиевлар қўл жанги билан шуғулланади. Болалиқдан спортга меҳр қўйган Шоҳжаҳон тўрт карра Наманган вилояти чемпиони, Шоҳназар эса Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган.

Наманган шаҳридаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган бу ёш спортчилар қўл жангини пухта ўрганиб, жисмоний, руҳий, техник-тактик маҳоратини ошириб боришида тажрибали мураббийларнинг кўмаги катта бўлаётир. Замонавий шароитга эга ушбу спорт

мактабида бугунги кунда 500 нафардан ортиқ бола қўл жангидан ташқари футбол, кураш ва волейбол бўйича маҳорат машғулотида мунтазам қатнашаётир.

СУРАТДА: ёш спортчи Шоҳжаҳон Назаралиев.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



БЎЛҒУСИ КУРСАНТЛАР СИНОВДАН ЎТДИ

2



«КЕЛАЖАК»НИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

3



ҚИРҒОВУЛЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМАЙДИ

4

▼ БАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

БЎЛҒУСИ КУРСАНТЛАР СИНОВДАН ЎТДИ

10 июль куни мамлакатимизнинг барча олий ҳарбий таълим муассасаларида давлат тест синовлари бўлиб ўтди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий таълимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-тарбия ишларини ва қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этишнинг янги шакл ва методлари яратилмоқда. Зарур касб кўникмалари ва ташкилотчилик қобилиятига эга, интеллектуал салоҳияти юқори, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга қодир офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовлари 10 июлда ўтказилиб, курсантликка қабул қилинганлар 15 июлда эълон қилинмоқда. Бу синовлардан ўта олмаган йигитларга бошқа олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириб, ўз билимини яна бир бор синаб кўриш имконини бераётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва-

зирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ёшлар ўттизга яқин мутахассислик бўйича таҳсил олмақда.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мотоўқчи, разведка ва чегара бўлинмалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Билим юртидаги замонавий ўқув хоналари, турли қурол-яроғ ва жанговар техника, машғулотлар ўтказиш комплекслари, спорт иншоотлари, ахборот-ресурс маркази ёшларни жисмонан ва маънавий етук инсонлар сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда. Малакали профессор ва ўқитувчилар тўрт йил давомида уларга касб сир-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ларини ўргатмоқда.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи оддий аскар андижонлик Низомиддин Йўлдошев ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширди. У тест синовларига табиий кўрик, касбий-руҳий ва жисмоний танловлардан муваффақиятли ўтди.

– Сузиш ва кураш билан мунтазам шугулланаман, – дейди Низомиддин. – Ҳозир шартнома бўйича ҳарбий хизматни давом эттиряпман. Ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, Ватанимга хизмат қиламан, деган умиддаман.

Шу куни Тошкент ахборот

технологиялари университети махсус факультетида ҳам тест синовлари ўтказилди. Ундан муваффақиятли ўтган ёшлар алоқа, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ҳарбий мутахассис бўлиб етишади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири.

Навоий Вилояти

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАР КУНИ ФАЙЗЛИ

Йигирма икки йил ичида мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон бугун ўзининг юксак сиёсий мақоми, ишлаб чиқариш салоҳияти ва барқарор иқтисодиёти билан жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига қўшилди. Албатта, бунда навқирон Навоий вилояти, шунингдек, кўҳна Нурота тумани аҳолисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги йилларда Нуротада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Чашма» тарихий мажмуаси тўлиқ қайта таъмирланди, зиёратгоҳ қаршисида хушманзара «Миллий боғ» барпо этилди, қатор маъмурий-маиший бинолар қад ростлади, вилоятимиздаги учинчи турдош корхона — «NUROTA TEXTIL» ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди.

Шунингдек, 3 та асаларичилик, 3 та паррандачилик ҳамда 5 та балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида шу йўналишда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва ўз бизнесини йўлга қўяётган йигит-қизлар ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат



дастури доирасида Нурота шаҳрида 2 та савдо ва 1 та умумий овқатланиш мажмуасини қуриш режалаштирилган бўлиб, бу иншоотлар айнан байрам кунларида фойдаланишга топширилади. Мазкур саёй-ҳаракатлар аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга омил бўлмоқда. Хусусан, амалдаги йилнинг биринчи ярмида туманимизда 2086 та янги иш ўрни яратилди.

Халқнинг турмуш даражаси, фаровонлиги нафақат унинг иш билан бандлиги ва даромади, балки яшаш шароити билан ҳам белгиланади. Мамлакатимизда бўлгани каби, туманимизда ҳам намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар бунёд этилиб, қишлоқ инфра-тузилмаси ривожланишига замин бўлаётир. Жорий йилда Саиджон Эшон массиви ва Ғозгонда 15 тадан намунавий лойиҳалар асосида барпо этиладиган уй-жойлар ўз эгаларига топширилади.


Энг улуғ, энг азиз айёмимиз ни-

шонланадиган кунга қадар худудимизда 25,5 километр узунликда ички ва халқаро аҳамиятга молик йўللарни таъмирлаш, ичимлик суви қувурлари ҳолатини яхшилаш устида ҳам қизғин иш олиб борилаётган бўлиб, бундан ташқари, қўлғусана олдидан туманимиз марказида замон талаблари даражасидаги 2 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади, 22 ва 23-мактабларнинг қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишлари якунига етказилади, 6-умумий ўрта таълим мактабида эса замонавий спорт зали қуриб битказилади.

Сирасини айтганда, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» широнининг мазмун-моҳиятини юракдан ҳис қилган нуроталиклар ҳаётидаги ҳар бир кун юксалишга замин бўлаётир.

Тўйкул ҚОБИЛОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нурота тумани бўлинмаси раиси.

КАРАНТИН



КАРТОШКА КУЯСИ — ХАВФЛИ ҲАШАРОТ

Картошка куюси картошка учун ўта хавfli ҳашаротдир. У Европа, Осиё ва Америкада кенг тарқалган.

Капалаги асосан очикда ва омборхоналарда яшайди, личинкаси эса помидор, картошка, баклажонга, барги ва поясига зарар келтиради. Иқлимга осон мослашувчан бу ҳашарот маҳсулотларни сақлаш даврида ўта кучли зарарлаб, истеъмолга яроқсиз ҳолга келтиради. Қоронғуда гумбакка айланади. Ургочи капалаги 160-200 тага яқин тухум қўяди. Личинкалари барг билан озиқланиб, тўр тўқийди. Картошкага униб чикувчи кўзчалари орқали кириб боради. Личинка ўсимликни зарарлаганда, унинг юқори қисми қуриб бошлайди. Ёз ойларида яшаш даври 22-30 кун, қишда эса 2-4 ойга боради. Зарарланган ҳосилда чуқур излар, тўрлар бўлади. Капалаги оч кулранг, личинкаси 1,2 мм, рангсиз, тўқ жигарранг ёки қора. Катта ёшдаги личинкаси 10-13 мм., гумбаги эса 10 мм. узунликда бўлади.

Ушбу зараркунданнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида бу турдаги барча ўсимликлар, сабзавотлар ва улар сақланадиган омборхоналар, маҳсулотни ташиш идишлари ҳамда транспорт воситалари назоратдан ўтказилади.

Ҳашарот аниқланган тақдирда кимёвий йўл билан зарарсизлантирилади.

З.ШОНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини чегара пункти етакчи давлат ноziри.

Қашқадарё Вилояти

Навоий Вилояти

«МЕҲНАТ-РОҲАТ» ШАҲАРЧАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМИ ЎРГАНИЛДИ

Косон туманида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан аёлларнинг дала шароитидаги меҳнати самарадорлигини ошириш, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилаётган «Меҳнат-роҳат» шаҳарчалари механизмини ўрганишга бағишланган республика амалий семинари бўлиб ўтди.



Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Э.Баситхонова, Фавқулодда вазиятлар вазири Т.Худойбергенов, вилоят ҳокими Т.Жўраевлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, барча жабҳаларда, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди. Ўтган йили хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, шахсий гигиени қоидаларни тўғри шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда уларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш мақсадида Косон туманида «Меҳнат-роҳат»

шаҳарчасини бунёд этишга киришилди. Ушбу ишларни амалга оширишда эса «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги «Косонпахтатозалаш» очик ҳиссадорлик жамияти жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, касб-ҳунар коллежлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва қатор фермер хўжаликлари ҳамкорлигида 7,5 гектар майдонда қисқа муддатда «Меҳнат-роҳат» шаҳарчаси қад ростлади.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ЁИХ туман кенгаши томонидан 18-35 ёшгача бўлган халқ таълими, тиббиёт бирлашмаси, касб-ҳунар коллежлари, «Камолот» ЁИХ етакчилари, маҳалла хотин-қизларидан иборат 250-300 кишилиқ «Кўмак» гуруҳи тузилди.

Шу ўринда бу ишлар биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ катта самара берганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, ҳозирда Нишон ва Миришкор туманларида ҳам

ана шундай «Меҳнат-роҳат» шаҳарчалари фаолият кўрсатяпти. У ерда уч минг нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилишмоқда.

Ушбу ташаббусни нафақат вилоятнинг бошқа туманлари, балки республика бўйича кенг тарғиб этиш зарурлиги тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилди.

— Ушбу семинардан бир олам таассуротлар олдик, — дейди Чиноз тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Нигора Мухаммадиева. — Дала шароитида шундай обод шаҳарча ташкил этилибди. Бундан ўрнак олса арзийди. Насиб этса, биз ҳам туманимизда шинам ва кўркам шундай шаҳарча барпо қиламиз.

Катнашчилар Косон ва Миришкор туманларидаги «Меҳнат-роҳат» шаҳарчаларида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Муродулла КОМИЛОВ олган сурат.

Кармана туманида фаолият олиб бораётган «Formula Uyuta» МЧЖ нафақат туманда, балки вилоятдаги мебель тайёрлайдиган корхоналар орасида етакчилардан бирига айланиб бормоқда.

ЎЗИМИЗНИНГ МЕБЕЛЛАР ЧЕТ ЭЛНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

2009 йилда ўз фаолиятни бошлаган корхонада бугун ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Ўтган йили 285 миллион сўмлик маҳсулот сотган бўлсак, жорий йилнинг шу кунига қадар бу кўрсаткич 220 миллион сўмга етди, — дейди корхона раҳбари Одил Абдуллаев. — Даромаднинг асосий қисмини хомашё олиб келиш ва иш кўламини кенгайтиришга йўналтираяпмиз. Маҳсулотларимизни буюртма асосида қўшни вилоятларга ҳам сотамиз. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш имконини бермоқда.

Жорий йил бошида жамият янги бино қуриш лойиҳаси бўйича ДАТ Асакабанкнинг Навоий вилояти филиалидан 200 миллион сўмлик кредит олган эди. Ҳозирда мазкур бинонинг қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан янги бинога кўчиб ўтишни режалаштираётган корхона маъмурияти имкониятдан фойдаланиб, маҳсулот турини кўпайтириш ва янги иш ўринларини барпо этишни мақсад қилган.

Азимжон ХУШВАҚОВ

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — АМАЛИЁТГА

“КЕЛАЖАК”НИНГ КЕЛАЖАГИ БОР



Бахмал туманидаги “Моҳларбиби” фермер хўжалиги бу йил галладан сарбаланд хирмон кўтарди. Айниқса, синов тариқасида 5 гектар майдонга сочилган буғдойнинг “Келажак” навидан 67 центнердан ҳосил олинди.

— Бу навнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эрта пишарлигидир, — дейди «Моҳларбиби» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Ортиқов. — Қолаверса, жуда серҳосил. Чунки бу нав буғдойнинг ҳар бир бошоғида 80 тадан ортиқ дон бор. Донлари йирик-йирик.

Новвойлар яхши билишади, янги ўрилган буғдой ундан тайёрланган нон ҳар доим ҳам сифатли чиқавермайди. Ё тандирда турмайди ёки ноннинг юзи “гуллаб” кетади. “Келажак”нинг тарифини эшитганим боис, синаш мақсадида ўримдан сўнг 2 қопни тегирмонда торттирдим. Аёлим ош хамир олганди, яхши бўлди. Нони оппоқ, жуда юмшоқ ва мазали чиқди. Ҳатто дастурхонда уч кунгача қотмади.

Бундан 10 йиллар муқаддам қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова бошчилигида бир неча

қишлоқ хўжалиги ходимлари Сурхондарё вилоятининг маҳаллий буғдой навлари орасидан танлаш йўли орқали янги нав яратиш устида иш бошлашди. 2004-2007 йиллар мобайнида Олтинсой ва Жарқўрғон туманларида синов-тажриба қилиниб, яратилаётган янги навнинг дастлабки агротехник тадбирлари, танлаш ишлари амалга оширилди. Натига улар ўйлагандан ҳам яхши самара берди.

— 2007 йилдан нав намунасини синаб кўришни Андижон вилоятида ҳам амалга оширишга киришдик, — дейди профессор Дилором Ёрматова. — Ҳаммуаллифлар орасида Алижон Аҳмедовнинг Қўрғонтепа туманидаги “Оқсув” фермер хўжалиги раҳбари эканлиги бизга қўл келди. Қолаверса, Алижоннинг янгиликка ўч, изланувчанлиги боис тажриба ишларини шу хўжалиқдан бошладик. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Лаборатория таҳлилларига кўра, унда клейковина миқдори 33-35 фоиз эканлиги аниқланди.

— Бизни энг қувонтиргани, буғ-

дойнинг дувараклигидир, — дея натижадан мамнун ҳолда ҳикоя қилади Дилором опа. — Яъни, уни кузда ҳам, баҳорда ҳам экиб, мўл ҳосил олиш мумкин. Мисол учун, 2011 йилда қиш эрта келганлиги туфайли ушбу нав тажриба қилинаётган кўплаб фермер хўжаликлари ерга буғдой сеполмай қолди. Шу боис, уруғ Сурхондарёнинг Ангор, Шеробод, Шўрчи туманларида 20-25 декабрь кунлари экилиб, ундан 50-57 центнердан ҳосил олинди. Алижон Аҳмедов раҳбарлигидаги “Оқсув” фермер хўжалигида эса 2012 йилнинг февраль ўрталарига келиб экилди. Гектаридан 52 центнердан ҳосил олишга эришдик. Шунингдек, бу навнинг истиқболлини яратишда ҳаммуаллиф сифатида Б.Олимжонов, Т.Мамарайимовлар ўз билим ва тажрибаларини аяшмади. Жорий йилда ушбу хўжалиқда илк маротаба “Келажак” навидан супер элита уруғи тўпланди. Насиб этса, уни кузда 15 гектар майдонга экишни мўлжаллаяпмиз.

Соҳиба СОЛИЕВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Самарқанд Вилояти

КАТТАҚЎРҒОНДА АСАЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Тарихий манбаларга кўра, юрти- мизда асаларичиликнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимий «Авесто»да ёзилишича, бундан 3 минг йил олдин ҳам ҳозирги Хоразм диёрида асаларилар бўлган.

1900 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмасида илк бор асал маҳсулотлари намойиш қилиниб, 1903 йилда Туркистонда биринчи бор тажриба асаларичилиги ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида республикамизда асаларичилик соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Асаларичилик соҳасини бошқариш ва уларга йўмак бериш масалалари Республика ўрмон Бош бошқармаси ихтиёрига топширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009-2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури асосида республикада асалари оиласи сони 2009 йилдагига нисбатан 158 фоизга ошди ҳамда 2012 йил охирига келиб 300 мингтага етказилди. Асал етиштириш миқдори ҳам 2009 йилга нисбатан 167,7 фоизга кўпайди. Шунингдек, республикада асаларичилик субъектлари сони 2012 йилда 7589 тани ташкил этди.


Жумладан, Каттақўрғон туманида 2012 йилда 679 та асалари оиласидан 13,1 тонна асал етиштирилиб, ҳар бир асалари оиласига ўртача 19,3 килограммдан асал тўғри келди.

2013 йилда Каттақўрғон ўрмон хўжалиги томонидан ту-

ман бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида асаларилар оиласини 236 тага кўпайтириш режалаштирилган.

Асаларичилик соҳасини бошқариш ва уларга ёрдам бериш ўрмон хўжаликларида топширилгандан сўнг тумандаги барча шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида, шахсий хонадон эгаларига ишларни ташкил этиш, уларни турли ахборот – маълумотлар билан таъминлаш, соҳага доир масалалар юзасидан давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаат этиб, уларга амалий ёрдам бериш каби асосий вазифалар зиммамизга юклангани, — дейди Каттақўрғон ўрмон хўжалиги директори Низомиддин Жуманов. — Қишлоқларда асаларичиликни кенг йўлга қўйиш орқали бозорларда маҳсулотнинг мўлқўллигини таъминлаш учун ўрмон хўжалигимиз ходимлари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Каттақўрғон асаларичиликни ривожлантириш учун жуда қулай ҳудуд ҳисобланади. Эрта баҳорда тоғ олди, адир ва чўл ҳудудларида ўсимликлар гуллаган паллада, 2-3 марталаб асал олиш имкониятлари мавжуд. Бу тажрибада исботланган.

Ўрмон хўжалиги ҳисобида бундан 4-5 йил аввал ҳам ати-



ги 60 та асалари оиласи бор эди. 2012 йилга келиб уларнинг сони 83 тага етказилди ва ҳар бир асалари оиласидан ўртача 19 килограммдан табиий асал олинди.

Асалариларнинг фойдали томонлари жуда кўп. Улар асал йиғиш жараёнида ўсимликлар гулини четдан чаглатиб, кўп фойда келтиради. Олимларнинг айтишича, асаларилар ёрдамида чаглатилган экинлар ҳосилдорлиги бир неча баробар ортиқ бўларкан. Ҳатто унинг гулчанги ва прополиси ҳам касалликларга даво.

— Шу боис, ноёб хусусиятларга эга бўлган ушбу неъматни етиштириш учун ҳукумати- миз томонидан кўплаб ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди Низомиддин Жуманов. — Хусусан, асаларичилик билан шуғулланиб келаётган фермерларимизга ер майдонлари ажратилаётганлиги, уларга хўжаликлари ривожлантириши учун имтиёзли кредитлар берилмаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Туманимизда асаларичиликни кенг ривожлантириш учун, аввало, истиқболли аса-

лари зотларини кўпайтириш керак. Масалан, республика- миз иқлимига мос маҳаллий популяциядаги асаларилар ўзининг серпуштлиги ва маҳсулдорлиги билан бошқа зот асаларилардан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ўрмон хўжалигимизда маҳаллий асаларилар зотини соф ҳолда сақлаб қолиш мақсадида улардан эртанги она асалари етиштириш ва асалари пакетларини ишлаб чиқариб, барча асаларичилик субъектларига тарқатишни йўлга қўймоқчимиз. Бу борада Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти асаларичилик лабораторияси олимлари билан ҳамкорлик қиламиз.

Шунингдек, ўрмон тасарруфидеги ер майдонларида, тоғ олди ҳудудларида кўп йиллик доривор гиёҳлар, шифобахш ўсимликларни кўпайтириш зарур. Чунки доривор ўсимликлардан олинган асал ўзининг экологик тозаллиги, шифобахшлиги билан ажралиб туради, жаҳон бозорида қадрланади. Шу мақсадда Сурхондарё вилояти Денов ўрмон хўжалигидан 8 минг туп қирим қарагай ва 25 туп элдор қарагайларининг 1-2 йиллик кўчатларини олиб келиб, 5,5 гектар майдонда сунъий ўрмонзор ташкил этдик.

Ҳа, Каттақўрғон ўрмон хўжалиги асаларичилари бу йил ҳам асалари оилаларини янада кўпайтириб, қарийб 2 тонна асал етиштиришни ният қилганлар.

Омон ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти асаларичилик лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚИРҒОВУЛЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМАЙДИ

Қирғовул Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ноёб қушлардан бири. Афсуски, уларнинг сони сўнгги йилларда турли сабабларга кўра кескин камайиб бормоқда.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «2010-2014 йилларда қирғовуллар бош сони кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

— Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайвонотлар ва ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекцияси катта нозир Жуманияз Панаев. — Асосан ўрмон хўжаликларида яқин яшайдиган аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда. Қирғовуллар асосан қалин тўқайзорларда ва далаларда яшаб кўпаяди. Озуқани

ўрмонлардан излайди, ўсимликларнинг донлари, пўстлоқлари ва барглари билан озиқланади. Қиш ойларида эса жийдалар билан озиқланишини ҳисобга олган ҳолда жойларда жийдазорлар барпо этишга шарт-шароитлар яратилиб, кўпайишига эътибор қаратилмоқда.

Бироқ олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, жойларда қирғовулларни ноқонуний овлаш, уларга зарар етказиш ҳоллари учрамоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган рейд-текширувлар давомида ана шундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётган фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Шуманай тумани «Деҳқонобод» овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Равил Маденов 4 та, Кегейли тумани «Эркиндарё» овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Мақсад Юсупов 1 та, Қораўзақ туманида яшовчи Женисбой Ор-



Қирғовуллар (тустовуқлар) — қирғовулсимонлар оиласига мансуб. 2 тури маълум. Танасининг узунлиги 85 см., оғирлиги 1,7-2 кг. Модаси наридан кичик. Нари ёрқин тусда, металлдек ялтиради. Модаси кулранг-сарғиш. Оддий қирғовулнинг 30 га яқин кенжа тури мавжуд. Кавказдан Япониягача бўлган жойларда тарқалган. Ўрта Осиёда Каспийнинг жанубий-шарқий қисмидан Иссиқкўлга бўлган ҳудудларда учрайди. Зарафшон буюртмаҳонаси, шунингдек, овчилик хўжаликларида қирғовул кўп. Ўрмон ҳамда экин майдонлари атрофидаги, дарё ва кўл қирғоғидаги чакалакзор тўқайларда яшайди. Уясини ерга ясайди. 8-18 та тухум қўйиб, 24-25 кун босади. Уруғ, мева, куртак, ҳашарот, чувалчанг ва моллюскалар билан озиқланади. Гўшти ва пари учун овланади. Қирғовул кўпгина овчилик хўжаликларида кўпайтирилади. Кўплаб овлангани сабабли жойларда қирғовул сони камайиб кетган. Бироқ қирғовулга шароит яратилса, сонини тез тиклаш хусусиятига эга. Японияда яшил қирғовул кенг тарқалган.

тиқов 1 та қирғовулни ноқонуний отиб, зарар етказганлиги аниқланди. Ушбу фуқароларга қонунда белгиланган тартибга мувофиқ зарар етказилган ҳар

бир қирғовул учун энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдориде жарима солинди.

Д.ЕСЕМУРДОВ


 Қорақалпоғистон Республикаси

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ЭНГ ЧЕККА ОВУЛГАЧА БАНК КРЕДИТЛАРИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИДА ЯНГИ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда “Микрокредитбанк” ўзининг 84 та филиал, 188 та минибанки ва кўплаб агентликлари орқали юртимизнинг барча ҳудудлари – чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Энг муҳими, йил сайин хизмат сифати ошиб, фаолият кўлами кенгайиб бормоқда. Яқинда Оролбўйида – Хўжайли туманида банкнинг яна бир филиали иш бошлади. Бу эса молия муассасаси фаолияти янада кенгайиб бораётганлигининг ёрқин кўриниши бўлди.



молиявий хизматларнинг ҳиссасига тўғри келади. Натижада ҳудудда 3500 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, аёллар

тадбиркорлиги учун 1,3 миллиард сўм, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун 460 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Тадбир доирасида банкдан кредит олиб тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўرғазмаси ташкил этилди. Шунингдек, ўзларининг бизнес режаларига эга бўлган ёш тадбиркорларга “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Сирасини айтганда, банк сармоялари юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Обод турмуш йилида ҳам банк ана шундай мақсадлар билан дадил одимламоқда. Янги филиал жамоаси ҳам ушбу мақсадни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишади.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туман ҳокимлигининг мутасадди раҳбарлари, тадбиркорлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бугунги кунда ушбу банкнинг 5 та филиал ва 18 та минибанки фаолият кўрсатаётган эди. Хўжайли туманидаги минибанкнинг филиалга айлантирилиши улар сонини яна биттага оширди. Бу эса туман аҳолисига кенг қамровли банк хизматини кўрсатиш имкониятини очиб бериб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Жорий йилда “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига ажратилган сармоялар миқдорини 243,5 миллиард сўмга етказиш, шунинг ҳисобидан 106 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган эди. 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматларнинг кўлами 125,4 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, 26,1 мил-

лиард сўмлик имтиёзли маблағлар бошланғич сармояларни шакллантиришга йўналтирилди. Энг муҳими, ушбу кредитлар эвазига 55 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 11,9 миллиард сўм, тадбиркор аёл-

ларга 27,5 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, тадбирда Оролбўйида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 16,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилганлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур кредитларнинг қарийб 9 миллиард сўми имтиёзли микро-



ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ – ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги қарори билан қабул қилинган Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда давр талаблари инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган ушбу комплекс дастур табиий офатлар натижасида одамларнинг нобуд бўлиши ва вайронгарликлар сонини камайтиришга қаратилган бўлиб, бунга аҳолини юзага келиши мумкин бўлган бундай вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш, кўнгилли кутқарув дружиналарини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш орқали эришилади.

Дастурда кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ўқувчи ва талабаларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизimini ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдир. Шу мақсадда Ўзбе-

кистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Фавқулодда вазиятлар рўй берганда ҳаракатланиш бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари, сейсмология, сейсмометрия ва бошқа мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш дастурлари тасдиқланди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ёш кутқарувчи» кўнгилчилар клублари ва улар ўртасида уч босқичли мусобақа ўтказилишини ташкил этиш ишларини амалга оширмоқда.

Бу жараён маҳаллаларда ҳам фаол олиб борилаётир. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи ярим йилида Фуқаролар йигини кенгаши ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг 3600 нафардан зиёд аъзо-

си зилзила оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда маҳаллаларда бирламчи авария-кутқарув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича 14 соатлик дастур асосида ўқитилди.

Аҳолини зилзила оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурида ахборот-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан давлат тилида «Зилзила. Ҳаёт ва фаолият хавфсизлиги» номли икки серияли илмий-оммабоп ҳужжатли фильм тайёрланиб, эфирга узатилди. Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг сабабларини, шунингдек, зилзила хавфи туғилганда аҳолининг амалий ҳаракатларини кўрсатиб берадиган қисқа метражли илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар тайёрланди.

Халқимизнинг шундай ибораси бор: дарднинг олдини олган яхши. Мана шу тамойил дастурда ҳам намоён бўлган. Яъни дастур доирасида «Зилзилага чидамли уй» қўлланмасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Қўлланмада аҳолига зилзила, унинг сабаб ва оқибатлари, сеймик лойиҳалар, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг аҳамияти, қурилишда ишлатилиши лозим бўлган материаллар хусусида батафсил тушунчалар берилди.

Анжуман давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Жалол ИСАЕВ


 Тошкент Вилояти

Оққўрғон туманида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Икки қаватдан иборат 15 хонали ушбу бино қурилиши “Жабо классик” МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди.

ЖАМҒАРМА УЧУН ЯНГИ БИНО

Қурилиш ишларига жами 450 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги бинога келиб-кетувчи нафақахўр ва ногиронларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 16 миллион сўмлик мебеллар, компьютер ҳамда бошқа буюмлар ўрнатилди.

— Кўпдан буён мана шундай замонавий бинога эҳтиёмимиз бор эди, — дейди Оққўрғон тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси раис ўринбосари Шавкат Мирзакаримов. — Ниҳоят, мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги тантаналари арафасида орзуларимиз ушадди. Ушбу иншоот туманимиз аҳолиси учун тўғри тўёна бўлди.

Иброҳим ТОШЕВ



